

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАХАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ,
ОБЛАСТ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ИЛ ЧИКИШИ
№ 100 (1104)
20
МАЙ
СЕШАНБА
1958 ЙИЛ
БАҲОСИ
30 ТИЙИН

Б У Г У Н Г И С О Н Д А:

КПСС Марказий Комитети ва
ССР Иттифоқи Министрлар Совети-
нинг ўртоқ Н. М. Шверникка табри-
ги (1-бет).
СССР Олий Совети Президиуми-
нинг ўртоқ Н. М. Шверникка Соци-
алистик Меҳнат Қаҳрамони унвони
бериш тўғрисидаги Фармони (1-бет).
СССР Олий Совети Президиуми-
да (1-бет).
Тошкентда петрография бўйича
Бутуниттифоқ кенгаши очилди (1-
бет).

Х. Абдусаматов. — Катта ғамхўр-
лик намунаси (2-бет).
ТАСС баёнати (2-бет).
А. Бекшенев. — Газета ва жур-
налларга обуна бўлишни яхши таш-
кил қилайлик (2-бет).
Мусобақадор Андижон область
пахтакорлари аниқлаётган камчи-
ликларни бартараф қилиб, ғўза
парварини суръатини кучайтирай-
лик! (3-бет).
ПИЧАН ЎРИШНИ НАМУНАЛИ

ЎТКАЗАЙЛИК! С. Эгамбердиев. —
Комсомол ёшларимиз ўз аҳдлари-
нинг удрасидан чиқадилар. (3-бет).
ОСИЕ ВА АФРИКА МАМЛА-
КАТЛАРИ ЕЗУВЧИЛАРИНИНГ
КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН:
Ўрхан Камол. — Янги йил воқеаси
(4-бет).
Совет баёнати Индонезия жамо-
атчилигининг диққат марказида (4-
бет).
Ливанда аҳвол (4-бет).

Ҳар бир колхоз ва совхозда ем-хашан мўл бўлсин!

Бу йилги баҳор серёғир келди.
Поёйсиз дарахлар, яйловларда, қир-
ларда ўт жуда яхши ўди. Қишлоқ-
лар ичиндаги катта-кичик ариқлар
бўйлаб, йўللари ёқасида барқ уриб
ўсган ўтларни ўриб-йиғиш, қиш
учун жамғариб қўйиш ҳозирги аниқ
муҳим вазифалардан. Ана шун-
дай қўлай шароитни бекоорга кет-
казмаслик учун курашаётган чорва-
дорлар бу йилги қишлоқ учун эмас,
ҳатто 2-3 йилга етadиган ем-хашак
жамғаришга отандилар. Қалинин
район комсомол-ёшлари бу соҳада
ташабуқсдор бўлилар. Май ойининг
дастлабки кунларида чикиб кетган
ҳозирги пайтда Келес массивида
эўр ғайрат, фидокорлик билан меҳ-
нат қилаётган комсомол ва ёшлар-
нинг иш муваффақиятлари тўғриси-
да ҳаммага иборат бўларли хушха-
барлар келиб турибди. Шу кунгача
Қалинин район комсомол-ёшлари
2500 тонна пичан жамғариб олди-
лар.

Областимиздаги ҳар бир колхоз
ва совхознинг комсомол-ёшлари,
чорваларлари улардан намуна олиш-
лари, ҳар қандай имкониятдан тўла
ва умумли фойдаланиб, ем-хашак
тайёрлашни ҳар тарафлама кучай-
тириб юборишлари зарур.

Курск область колхоз ва совхоз-
лари мамлакатимиздаги барча қиш-
лоқ хўжалик меҳнаткашларига мў-
рожаат қилиб маккажўхори экинни
кўпайтириш ва ҳар гектар ердан
300 центнердан сўтаси билан мак-
кажўхори кўпайиши олиш учун ку-
рашига даъват қилилар. Чорва-
чилик маҳсулотлари етиштиришда
иттифоқимизда биринчи ўринларда
турган Курск область чорваларлари
ўз иш тажрибаларида моллар учун
етarli миқдорда ем-хашак тайёрла-
май туриб муваффақиятга эришиш
мумкин эмаслигини исбот этилар.
Илгир чорвалардан намуна олиб
ишлаётган Қалинин район меҳнат-
кашлари чорва моллари сонини кў-
пайтириш билан бир вақтда улар-
нинг маҳсулдорлигини ҳам йил сайин
оширмоқдалар. Районда бу йил мак-
кажўхорини мўддатларга бўлиб экиш
жорий қилинди. Бундан ташқари
айрим колхозлар, масалан, Киров
номи колхоз кечки картошка эки-
ладиган ерларга жовдари бўлиб
эди. Ҳозирги пайтда шу жовдари
бўғдининг кўпайиши молларга ўриб
едилмоқда. Натijaда ўтган йилги
шун вақтдаги даражадан ҳар бир
сигирдан 300 литрдан кўп сут соғи-
б олишмоқда.

Район колхозларида бу йил би-
ринчи марта амалга ошираётган
прогрессив методлардан бири —
чўчқаларни картошка экиладан дала-
ларга ёйиб боклпш ҳар жиҳатдан му-
ҳимдир. Шундай қилинганда бири-
чидан, меҳнат кунлари анча иқтисод
қилиб қолинади, иккинчидан, чў-
қалар далавинг ўзидан картошкани
ковлаб еганлари учун улар яхши
семиради.

Ўтган йилги кўп миқдорда силос
боғирилган ва молларни қўқатлар бил-
дан боқишга катта эътибор бери-
лаётгани учун район сут соғиб олиш
жиҳатидан республикада биринчи
ўрини эгаллади. Қалинин райони
4 ой ичда ҳар бир сигирдан 993
килограммдан сут соғиб олди. Шу
райондаги Карл Маркс номи колхоз
эришаётган ютуқ бундан ҳам қуво-
нариларди. Колхозда ҳар бир сигир-
дан 4 ой ичда 1502 килограммдан
сут соғиб олинди. Довгорт сўт со-
ғувчи Бўриница Исҳоқовна социалис-
тик мусобақада биринчи ўринда
ке-
таёттир. У ўз боқимиздаги 12 сиги-
рини ҳар биридан 4 ойда 2284
килограммдан сут соғиб олди. Бу,
Бўриница Исҳоқованинг меҳнат со-
ҳасини маҳоратини кўрсатса, шу
билан бирга колхозда молларни уз-
лиқаси юқори сифатли боқишга эўр
аҳамият берилаётганлигини ифода-
лайди.

Сигирлардан кўплаб сут соғиб
олиш, чўчқаларни семиртириш, то-

вуқлардан кўплаб туҳум олиш, қўй-
лардан белгиланганидан кўпроқ
жун қирқиш учун ҳар бир колхоз
ва совхозда имконият бор. Вазифа—
ана шу имкониятлардан тўла ва
умумли фойдаланишдан, молларни
боқини ҳар тарафлама яхшилаш-
дан ва чорва фермалари ёнида ҳам-
мавақт ем-хашакнинг кўп бўлишига
эришишдан иборатдир.

Шунинг айтиш керакки, айрим кол-
хоз ва совхозларда, районларда ем-
хашак тайёрлашга, маккажўхори ва
оқжўхори экинига етарли даражада
эътибор берилмаёттир. Сигирлардан
сут соғиб олишда Қалинин районида
нисбатан анча пастки ўринларда
турган Мирзачўк, Гулистон, Верхне-
воленск районларида қўлай фурсат-
лар ўтиб кетаётганига қарамай мак-
кажўхори экин суръати жуда паст.
Айтидан бу районларнинг раҳбарла-
ри ҳали ҳам маккажўхорини эўр
аҳамиятга эга эканлигини эътибор-
га олмаётган бўлсалар керак.

Паркент райони асосан чорвадор
район ҳисобланади. Бу район терри-
торияси кенг, Поёйсиз дари ва қир-
ларда ўт жуда яхши ўсган. Афсу-
ски, шу районда илгари 6600 гек-
тар ўринга олин салкам 100 гектар
ердаги пичан ўрибди. Ахир Парк-
ент районида чорвачилик маҳсу-
лотларини кўпайтиришнинг асосий
резервларидан бири — дйловларда
табиий пичанларни йиғиб жам-
ғаришдан иборат-ку! Шунинг учун
ҳам бўлса керак, районда сигирлар-
дан сут соғиб олиш учна яхши эмас.
Қалинин райони ҳар бир сигирдан
4 ойда 993 килограммдан сут соғи-
б олгани ҳолда Паркент райони
шу мўддатда ҳар бир сигирдан 510
килограммдан сут соғиб олибди. Рай-
он партия ва совет ташкилотлари
ҳамда колхозларнинг раҳбарлари ўт
қўриб қолмасдан уни тезроқ ўриб-
йиғиб олиш, гарамларга босиб қўй-
иш учун бу соҳадати иш суръати-
ни ҳар тарафлама кучайтиришлари,
трактор ва от-улов сенокосилка-
ларининг тўхтовсиз ва умумли ишла-
ши учун курашишлари керак.

Ҳозирги лавр кўп миқдорда —
2-3 йилга етadиган ем-хашак жам-
ғариб қўйиш учун эўр қўлай фурс-
ат ҳисобланади. Шунинг учун бар-
ча колхоз ва совхозларда ишни пух-
та ташкил этиб, пичан жамғаришга,
маккажўхори ва илдиэмевали ем-
хашак экинларини экинига эътибор-
ни кучайтириш, бу соҳадати вазифа-
ларининг тўла ва ўз вақтида бажари-
лишига эришиш — маҳаллий пар-
тия ва совет ташкилотларининг ке-
чиктириб бўлмайдиган эўр муҳим
вазифаларидан биридир. Ҳар бир
колхоз ва совхоздаги трактор ҳамда
от сенокосилкалари тўхтовсиз ишла-
син, яйловлардаги, диларлардаги ўт-
ларни қўриб қолмасдан ўриб-йиғиб
олайлик ва шу пичанларни сира но-
бўб қилмай гарамларга босиб қўй-
лик.

Маккажўхори ва илдиэмевали ўт-
ларини тезроқ экин, уларнинг сифат-
ли парварин қилинишига эришиш
лозим. Чунки маккажўхорини кўп
етиштирмай туриб чорвачилик маҳ-
сулотини кўпайтириш тўғрисида гап
бўлиш мумкин эмас. Курск область
чорваларларининг ватанпарварлик
ташабуқсиди областимиздаги ҳар бир
чорваларга етказайлик. Уларни мак-
кажўхори ҳосилини кўпайтириш
учун эўр ғайрат билан меҳнат қи-
лашга илҳомлантирайлик.

Партия ва ҳукуматимиз аҳоли
жон бонига гўшт, сут ва ёғ етиш-
тириш соҳасида яқин йиллар ичда
Америка Қўшма Штатларига етиб
олиш вазифасини қўйди. Болхоз ва
совхозларда етарли миқдорда му-
стакам ем-хашак базасини вужудга
келтириш — ана шу муҳим вазифа-
ларни муваффақиятли бажаришнинг
эўр зарур шартларидан биридир.

Пичан ўришни тез ва қисқа му-
ддатда тугаллаш учун астойдил кура-
шайлик, ҳар бир колхоз ва совхоз-
да мўл-кўл ем-хашак жамғаришга
аришайлик!

ЎЗБЕКИСТОН МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИНИНГ X СЪЕЗДИ


Тошкентда Ўзбекистон матлубот
кооперациясининг X съезди ўз иши-
ни тамомлади. Съезд делегатлари
Ўзбекирлануш правленесининг ва
ревизия комиссиясининг ҳисобот
докладларини, шунингдек баласини
тасдиқлаш тўғрисидаги докладни му-
ҳокама қилилар.

Съезда Ўзбекистон ССР Министр-
лар Совети расиянинг ўринбосари
А. А. Хўжаев сўзлади.

ГўШТ ВА СЎТ ТОПШИРИШ ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ БАЖАРДИЛАР

Қорасув ва Паркент районлари-
нинг меҳнатсевар чорваларлари эҳ-
ли жон бонига гўшт, сут ва ёғ
етиштиришда яқин йиллар ичда
АҚШга етиб олиш учун бошланган
умумхалқ курашига қўшилиб, мўл-
кўл чорва маҳсулотлари тайёрлаш-
га эришмоқдалар.

Қорасув район колхозлари 1958
йил 10 майгача давлатга гўшт топ-
шириш ярим йиллик планини 106,4
процент, сут топшириш планини
145,5 процент, Паркент район кол-
хозлари эса шу мўддатгача сўт топ-
шириш планини 138,2 процент
қилиб бажардилар.



Ўртоқ Николай
Михайлович ШВЕРНИККА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Коми-
тети ва СССР Министрлар Совети Сиз етмиш ёшга тўлган
қунибгизда Сизни Коммунистик партия ва Совет давлатининг
атоқли арбобларидан бири сифатида қизғин табриқлайдилар.
Сиз биринчи рус революцияси йилларидаёқ Петербург-
нинг атоқли ишчи-болшевикларидан бири тариқасида раҳбар-
революционер иш олиб бордингиз; ўзингизнинг бутун шонли
ҳаётингизни ишчилар синфининг иши учун, коммунизм иши
учун ҳормай-тошмай курашга бағишлаб, партия Сизга топиш-
лар ҳар бир ишда катта вазифаларни шараф билан бажариб
келдингиз. Сизнинг касбаб союзуларидеги, СССР Олий Совети
Президиумидаги ва ҳозирги вақтда эса КПСС Марказий Ко-
митети ҳузуридаги Партия Контроли Комитетидаги самарали
фаолиятингиз тудайли Сиз бутун партиямизга ва совет халқи-
нинг чуқур ҳурматига сазовор бўлдингиз.

Сиз, азиз Николай Михайловичга кўп йил сиҳат-саломат-
лик ва улуг Ватанимиз бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам
муваффақиятли ишлар қилишингизни тилаймиз.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ
Ўртоқ Н. М. Шверникка Социалистик
Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Прези-
диумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия Контро-
ли Комитетининг раиси ўртоқ Н. М. Шверник тугилган кунига етмиш
йил тўлиши мубоабати билан ва унинг Коммунистик партия ҳамда совет
халқи олдида қилган жуда катта хизматларини эътиборга олиб, ўртоқ
Николай Михайлович Шверникка Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони
бериш билан бирга Ленин ордени ҳамда «Уроқ ва Болга» олтин медали
топириларсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль
1958 йил, 17 май.

МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ

РСФСР Педагогика фанлари ака-
демияси мактаб таълимини ислоҳ
этишнинг дастлабки лойиҳасини
ишлаб чиқди. 15 майда бу лойиҳа
муҳокама қилинди. Муҳокамада пе-
дагогика фанлари академияси пре-
зидиумининг аъзолари, РСФСР ва
бошқа иттифоқчи республикалар
Маориф министрликларининг вакил-
лари, халқ маорифи органларининг
раҳбарлари, тажрибадор педагоглар
қатнашди.

РСФСР Педагогика фанлари ака-
демиясининг вице-президенти Н. К.
Тончаров доклад қилди.

Лойиҳада шу нарсга кўзда тути-
ладик, етти ёшдан бошлаб ҳамма
болалар учун ўқини мўддатли саккиз
йиллик асосий мактаб умумий ва
мажбурий мактаб бўлиб қолади. Бу
мактабда етти ёшдан 15 ёшгача бўл-
ган болалар ва ўсимирларни ўқитиш
кўзда тутилди.

Ҳозирги мактаб етти йиллик
мактабга нисбатан асосий мактабда
ўқитиш мўддатининг бир йил кўпай-
тирилганлигига сабаб шунки, ўсимир-
ларнинг ижтимоий-умумли меҳнатга
жалб этиш уларнинг ақлий ва жис-
моний жиҳатдан тагин ҳам юксак-
роқ тараққий этирилишига, поли-

техника ва меҳнат тайёргарлигига
эга бўлишларини талаб қилади.

Урта умумий таълим системаси
ғоят пишқ бўлиши ҳамда халқ
хўжалиги ва маданиятининг реал
эҳтиёжларини ҳам шунингдек ёш
аўғинининг хилма-хил қизиқликлари,
лаёқати ва қобилиятларини ҳам хи-
соба олиши лозим.

Халқ маорифининг янги формаси-
га ўтиш ёшлардаги билимлар дара-
жасини ва уларни коммунистик
руҳда тарбиялаш даражасини анча
оширишга, ўқувчиларнинг лаёқатла-
ри ва қизиқликлари тагин ҳам
қўпроқ ривожлантиришга, улар-
нинг ижодий қулабларини ва қоби-
лиятларини ривожлантиришга, жис-
моний меҳнат билан ақлий меҳнат
ўртасидаги тафовутни бартараф
қилишга ёрдам бериши лозим.

Мактабларини ислоҳ қилиш
лоийҳаси устида олиб бораётган
ишлар давом этади. (ТАСС).

Тошкентда петрография бўйича Бутуниттифоқ кенгаши очилди

19 майда Тошкентда, Навоий но-
мидаги ўзбек давлат опера ва балет
театрида иккинчи петрография
бўйича Бутуниттифоқ кенгаши ўз
ишини бошлади. Бу кенгаш СССР
Фанлар академияси ва Ўзбекистон
ССР Фанлар академияси, СССР гео-
логия ва ерости бойликларини сақ-
лаш министрлиги томонидан қақи-
рилган. Бу кенгашда қатнашини
учун Петрография соҳасида илмий
тадқиқотларнинг йирик маркази
бўлиб қолган республика пой-
тахтига мамлакатнинг манхўр
олимлари ва геологлари, бир қат-
тор чет эл давлатларидаги илмий
муассасаларнинг вакиллари келди-
лар. Кенгашда партия ва совет
ташкilotларининг вакиллари қат-
нашмоқда.

Кенгаш президиумида Ўзбекистон
КП Марказий Комитетининг бирин-
чи секретари С. К. Камолов, Ўзе-
бекистон ССР Министрлар Советининг
Раиси М. З. Мирзачўев, СССР
геология ва ерости бойликларини сақ-
лаш министри П. Я. Антропов,
СССР ўрта машинасозлик министри
Е. П. Славский, Ўзбекистон КП
Марказий Комитетининг секретари
Р. Е. Мельников, М. А. Аб-
дуллозоков, З. Р. Раҳимовбоева, Ўзе-
бекистон ССР Министрлар Совети
Раисининг ўринбосарлари Р. Ғ.
Ғуломов, С. К. Зиёдуллаев, В. С.
Насриддинова, СССР Фанлар акаде-
мияси геология-география фанлари
бўлимининг академик секретари
Д. И. Шчербаков, академик Д. С.
Коржинский, Ўзбекистон ССР Фан-
лар академиясининг президенти
Х. М. Абдуллаев, СССР Фанлар ака-
демиясининг корреспондент аъзола-
ри Г. Д. Афанасьев, Ф. И. Шахов,
қаршол иттифоқчи республикалар
геологлари делегацияларининг раҳ-
барлари — Украина ССР Фанлар
академиясининг вице-президенти
Н. П. Семенов, Қозғистон ССР
Фанлар академиясининг президенти
К. И. Сатиев, Қозғистон ССР Гео-
логия ва ерости бойликларини сақ-
лаш министри А. С. Богатирев,
Грузия ССР Фанлар академиясининг
вице-президенти Г. С. Дзопенидзе,
Озарбайжон ССР Фанлар академия-
сининг академик-секретари М. А.
Башиқ, Арманистон ССР Фанлар
академиясининг академиги С. С.
Мирчян, Тожикистон ССР Фанлар
академиясининг корреспондент аъзо-
си Р. Б. Баратов, Қирғизистон
ССР Фанлар академиясининг коррес-
пондент аъзоси М. М. Адиев ва
Қирғизистон беш геология бошқар-
масининг бошлиғи В. Н. Голубинлар
ўтирибдилар.

Кенгаш иштирокчилари президи-
умида ўтирган Хитой Халқ Респуб-
ликаси Фанлар академиясининг ва-
кили профессор Ли Пуни, Берлин-
даги Немис фанлар академиясининг
ҳақиқий аъзоси профессор Э. Ка-
уцци, Польша Фанлар академияси-
нинг корреспондент аъзоси К. Сму-
ляковский, Болгария Фанлар ака-
демиясининг академиги С. Димит-
ровни, Руминия Фанлар академия-
сининг корреспондент аъзоси М. Са-
вулани самимий табриқладилар.

Ўзбекистон Фанлар академияси-
нинг президенти Геология-минера-
логия фанлари доктори Х. М. Аб-
дуллаев кенгашни очди. Петрогра-
фия бўйича биринчи Бутуниттифоқ
кенгашидан буён ўтган беш йил
ичида, — деди у, — совет фани
бу соҳадати кўпгина янги йирик
каشفётлар ва муваффақиятлар бил-
дан бойиди. Петрография олимларининг
самарали ишлари ажойиб амалий
натияжалар берди, Сибирда ол-
мас конларининг темир рудаси,
рангли ва нодир метал-
ларнинг янги бой запаслари
борлигини илмий жиҳатдан ишюнч-
ли тарзда айтиб бериш, сўнгра эса
қилириш имкониятини берди. Ҳозир
магматик тоғ жинсларининг ҳосил
бўлиш ва жойлашини қонуниятлари-
ни ўрганаётган петрография ҳозир-
ги замон геологиясининг эўр муҳим
бўлими бўлиб қолди. Шунинг учун
ҳам Тошкентда очилаётган бу ке-
нгашнинг аҳамияти гўят катталар.
Бу кенгашда қилинадиган ҳулоса-
лар ва ахборотлар совет геология
фанини янада ривожлантириш ипи-
га сўзаси қимматли ҳисса бўлиб
қўлинади.

Ўртоқ Абдуллаев, петрография
бўйича Бутуниттифоқ кенгашининг
Тошкентда ўтказилаётганлиги рес-
публика олимларини қувонтирди,
деди. Ҳозирги Ўзбекистон терри-
то-
риясида аяган ва ижод қилган
Урта Осийнинг Бируний, Абу Али
ибн Сино ва Улутбек каби атоқли
олимлари қадимий замондаёқ ерости
бойликлари тўғрисидаги илсон
билимларини ривожлантириш соҳа-
сида кўп иш қилган эдилар. Улар-
нинг тоғ жинсларининг ҳосил бў-
лиши тўғрисидаги, тоғларнинг ву-
жулда келиши тўғрисидаги фикр-
лари фан учун ҳозир ҳам қизиқар-
лидир. Ленинча миллий сўбасини
амалга ошириш асосида экономика
ва маданиятни ривожлантиришда
Ўзбек халқи эришган ажойиб му-
ваффақиятлар республикада гео-
логия фанининг эўр кўч билан юксак-
лишини таъминлади. Россия Феде-
рацияси ва бошқа қаршол респу-
бликаларнинг олимлари ёрдами бил-
лан республикада тадқиқотчи-гео-
логларнинг кўпсонли отряди ву-
жулда келди. Бу геологларнинг иш-
лари ҳамма ерда маъмулмид.

Ўртоқ Абдуллаев ўз сўзини та-
момлай туриб, кенгашда қатнашим
учун Тошкентга келган қаршол
иттифоқчи республикаларнинг ва-

киллари, чет мамлакатларининг
олимларини қизғин табриқлайди.
Биринчи ялпи мажлисида СССР
геология ва ерости бойликларини
сақлаш министри П. Я. Антропов
мамлакатнинг ҳомашё базасини ўр-
ганиш ҳамда совет геология фани-
нинг вазифалари ҳақида доклад
қилди.

СССР Фанлар академияси гео-
логия-география фанлари бўлимининг
академик секретари Д. И. Шчерба-
ков кенгаш қатнашчиларини таъри-
қлади. Геологларнинг ўтти йил
муқаддам Тошкентга учинчи Бутун-
иттифоқ съезди бўлганлигини ва унда
Ўзининг қатнашганлигини кенга-
ш иштирокчиларига эслатиб ўтиб,
ўртоқ Шчербаков совет геологияси-
нинг ривожланишига муносиб ҳисса
қўшаётган ўзбек олимларининг та-
шабуқсиди ҳозирги кенгашнинг қақи-
рилишига кўп жиҳатдан ёрдам бе-
рганлигини таъкиллаб ўтди. Нотиқ
ўз нутқининг кўп қисмини геолог-
практиклар учун ерости бойликлари-
ни қилириш қалитини бераётган,
олдимизда турган вазифаларни му-
ваффақиятли ҳал этишга ёрдам бе-
раётган петрография илмининг ба-
рақтеристикасига бағишлади.

Хитой Халқ Республикаси Фан-
лар академияси ҳузуридаги геология
институтининг профессори Ли Пу
кенгаш қатнашчиларини Хитой
олимлари ва геологлари номидан
табриқлади. У таъкиллаб ўтдики,
кўп соҳаларда дунёда биринчи
ўрини эгаллаган совет фани ва
техникасининг муваффақиятлари,
жумладан совет петрографиянинг
назарий ва амалий муваффақиятла-
ри Хитой олимлари учун яхши на-
муна бўлиб хизмат этмоқда. Совет
Иттифоқи ва Хитойнинг қун сайин
мустанжақлашиб бораётган илмий
алоқалари социализм қурилиши
ишида янги муваффақиятларга эри-
шишга Хитой халқига ёрдам бера-
ди.

Сўнгра Берлиндаги Немис фанлар
академиясининг ҳақиқий аъзоси Э.
Кауц табрик нутқи сўзлади. У ўз
сўзида Тошкентнинг петрография-
металлогининг тадқиқотлар марказла-
ридан бири сифатида дунёга маш-
хўр бўлиб қолганлигини кўрсатиб
ўтди. Бу соҳада ишлаётган ўзбек
олимларининг бир қатор эўр муҳим
илмий ишлари ҳозир немис тилига
таржима қилинмоқда. Доктор Э.
Кауц Ўзбекистон пойтахтида ўт-
казилаётган кенгаш натияжалари
фани янги қондалар билан бойи-
тигина қолмасдан, балки инсония-
тининг бундан кейинги прогресси
учун, социалистик қурилиш суръ-
атларини тезлаштириш учун хизмат
қилади, деб ишюнч билдирди.

Кенгаш бир неча кун давом эта-
ди. (ЎзТАГ).

Учинчи йўлдошнинг сигналлари Тошкентда қабул қилинмоқда

Йўлдош Тошкентдан узоқ масофада
учган бўлса ҳам, унинг қули енгил-
наллари бу ерда яхши эшитилиб
туриди. Тошкент радиоқўлубининг ма-
гнитофон лентасида ҳар бир совет
кишинига маълум бўлган телеграф
сигналларининг овозлари яна пайдо
бўлди. «Москва, Йўлдош» адресига
биринчи радиограмма юборилди. Бу
радиограмmani тошкентлик радио-
ҳаваскор Г. Галамов юборди.

Олимлар осмонни диққат билан
кузатмоқдалар. Тошкент астрономия
обсерваториясида шу максат учун
махсус фотография камера ўрнатил-
ган. Бу камера ёрдами билан йўл-
дошнинг учинини пайёнага тушпириб
олишга эмас, балки шу билан
бирга унинг координатларини ҳисоб-
лаб чиқиш ҳам мумкин бўлади
(ЎзТАГ).

Калинин район комсомол комитетининг секретари.

ОСИЕ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЕЗУВЧИЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

Урхан НАМОЛ (Прогрессив турк ёзувчиси)

Янги йил воқеаси*

(ХИКОЯ)

— Аммо жуда совуқда қотдим-да, — деди у печанинг ёнига келиб қўлини истади экан. Кейин ўтирибди Нурига қарайди:

— Шундай қилиб, топдим, дегини?

— Топдим, ошпа! — деди ушан.

Нури қўлини ишдалар экан мамнун бўлиб.

— Қаерда экан?

— Транспорт учун кетган харажатларда.

— Демак, энди баланс тайёр экан-да?

— Ёлмасаси.

— Қани, кўрайилчи, моёнамизга ортқча ҳақ қўшиб тўлашармикин?

Нури, Муҳиддин билмасин, дегандек умидсизлик билан қўлини ситлаб қўйди. Аммо Муҳиддин буни билди қўлиб яна жаҳли чиқди.

— Қанақа қўшимча ҳақ? — деб сўради оморчи Химмат.

— Боньякли чой ўқидан буюқда чўт қокчиб ўтирган бош бухгалтернинг миёсига уриб, кайфини ошириб юборган эди. У оморчининг нима ҳақда сўраётганини ҳам эшитмади.

Муҳиддин бўлса, ҳисоб дафтарига энгашганича, қотларини чимиряб, ҳушёр тортиб ўтирарди. У қанақа қўшимча ҳақ эканини Нури Химматга айтиришди-йўқини деган фикрда ҳаёжон билан ҳаёл сувар эди.

Нури Химматга қараб кўз қисиб қўйди.

— Олти юз мингдан ортқроқ, — деди у сезди.

Химмат ҳуштак чапиб, кўзларини чаққаттирди.

— Бу соф қўшимча даромади?

Нури даромадининг сўммасини айтиб қўйганига пўшаймон қилди. У кўз қисиб билан Муҳиддинга қараб қўйди ва шотломдек бўлиб қизариб кетди.

— Бизнинг турмушимиз ҳам турмушимиз! — деди Химмат. — Эртанга олтинчи кун, агар ёнимдан бир пул қисиб, олтинчи ўғри қўй... Берган авдиси бўлса, бир кичкина станкадагина ютиб олишга етади, холос... Қара, қара, ҳаммаёқ қара... Шунча ўғрининг билан бир, тақддан алоқини фарқ қила олмайдинг кишига хизмат қилганини ҳам били!

— Хуршид оғага шунча пул нимага ҳам керак экан-да? деб сўради Нури хайрат билан.

— Ақалли тузукроқ овқат ейшин ҳам бўлмайди, — деди унга Химмат. — Қачон кўрсат, нону пинш-лок, нону пинш...

— Айрону нону, нону шичини, — деди Нури унинг сўзини давом эттириб.

Муҳиддин чидаб тура олмади:

— Сизларга нима, ёки Хуршид оғага ҳавасинглар келаятми? Фабрика ҳам, фойдаси ҳам, эиёни ҳам унинг... — Ҳоҳласа, — эйди, хоҳласамиз эмайди. Сизларга нима оғир-енглигини тушин?

— Сен нима, Хуршид оғанинг алоқатини биласан? — деди Химмат унга шимдат билан ўтирибди. — Биз олло таолонинг ишига ҳайрон бўлаймиш...

— Худонинг ишига шак келтирмайдинг одам, гуноҳ нима-ю, савоб нимагининг билшин керак, — деди Муҳиддин. — Олло таоло, бандаларини бундай шуккур қилсин дейди... Хуршид оға ишлариди тоғибди. Сен ҳам ишла—сен ҳам топасан.

— Эсини оған одамга ўхшай, нимага энди бунча вайсаласан? Биласанми, вақт қанча бўлди? Бирга яқинлашди... Ҳўш, қани, ярим кеча-гача нима иш қилиб қўйдик қилдинг? Ёлмасаси нима эди, сен юз дир моёна олсан, бунинг устига байрам олди сенга яна қўшимча маош берди... Сенинг ўғрининг мен бўлсам, мен ҳам Хуршид оғага бепул адвокатлик қилар эким.

Химмат Нурига қарайди. Нури бундан мамнун бўлиб, олавер, келган жойидан, дегандек қилиб ишлаб қўйди.

Бош бухгалтер, ҳеч нарсани фахр-ламатанча ўриндан туриб, ташқарига чиқиб кетди. Муҳиддин қайтарма ёқасининг учларини тузатиб қўйди.

— Хар ҳолда, менинг ишим сенкига ўхшаман эмас, — деди у. Химмат тўтқиб кетди:

— Қанақа экан сенинг ишинг шундай? Қачон кўрайилчи бир қўлингизга ойнаб, бир қўлингизга тароқ. Ҳўш қўлингиз таоло ишловининг камроқ қилинганда сени...

— Менга қара! Тилингни тийсанг яхшироқ бўларди!

Ҳавадан тўтқиб кетган Химмат Муҳиддиннинг сони ёнига келди.

— Ҳўш оғанинг, алоҳ! — деди у мушги билан сонида уриб.

— Мен эмас, сен алоҳ!

Химмат қис-қисил бўлиб қизариб, кўзлари қизилган чизиқ кетгудек бўлди. У стол устидаги сийёҳонини олиб, Муҳиддинга қараб отди. Муҳиддин ёнига яқинлашди, деворта бориб урилган сийёҳон аса чил-чил бўлиб.

Кейин бир-бири билан ёқалашиб кетди. Стол агарайиб устидаги бутун дафтар-китоб, қалам-қорозлар ё билан битта бўлиб сочилиб кетди. Нури уларни ажратмоқчи бўлганда, Химмат мушги билан унинг қўлига тушириб қолди, сўнг Нури:

— Боши газетанинг 18 май сониди

— Америка пахтасининг бир тури.

— Америка пахтасининг бир тури.

— Америка пахтасининг бир тури.

— Америка пахтасининг бир тури.

— Америка пахтасининг бир тури.

— Америка пахтасининг бир тури.

— Америка пахтасининг бир тури.

— Америка пахтасининг бир тури.

— Америка пахтасининг бир тури.

Мехмонлар хурсандчилик қилиб гурунглашиб ўтиришарди. Қоринларини тўйдириб олган отлар эринчоқлик билан силкиниб қўйиларди. Не-не тилла уаулар электр тирогининг ёруғ нурида товланиб кўринарди.

Фабрикант Хуршид оға бўлса, худди қўлогини қар бўлган кишидек, шипдаги гиламларнинг мовий, яшил, бинафша ранг нақшларига кўз югуртириб тикилиб ўтирарди.

— Хуршид, менга қара, — деб қолди шу орада карвонсарой хўжайини Рустам, — ўғлимнинг қайини оғаси сенинг қўлингизда оморчи бўлиб ишлайди-я...

Хуршид оға Рустамга қарайди: — Сизда оморчи бўлиб ишлайди? Ким экан у менинг қўлимда оморчи бўлиб ишлайдиган?

— Ана холос. Жула тез асдан чиқарибсан-да. Ўғлим Ҳожи Илёс сенга ишга киритиб қўйган эди-ку. Иسمи Химмат...

Хуршид оға бошини қимирлатиб қўйди.

— Эсладингми?

— Эсладим. Хўш?

— У менинг ўғлимга қайини оға бўлди. Сен унга жуда кам моёна тўлар экансан... Саккиз киши Химматнинг қўлига қарайди. Менинг ўғлим-ку, унга ёрдам бериб турибди, кейин бу ёғи ўзингга маълум, замон қандайлигини кўриб турибсан... Ақалли унга яна ўн-ўн икки лир қўшиб бер. Шу билан ҳамнинг бўшаб қолмайди-ку, ахир!

Оморчи Химмат? — деб дўнғиллади Хуршид оға.

— Ҳа, ўша. Ҳа вақтда унинг отаси ҳам бадавлат кишилардан эди. Қанчалар-қанча отларни, фойтуларни, ашиглига хизматкорлари бор эди... Химмат жуда яхши еб, яхши ичиб, яхши кийиниб катта бўлувчи-ю, аммо тақдир...

Унинг гаплари Хуршид оғанинг қўлигига кирмас эди.

«Ҳўш, майли, — деб ўйлар эди Хуршид оға, — бироқ Химматнинг кўрм-чўрмиди ҳеч қандай алоқаси йўқ-ку. Унга буни ким айтган экан?»

— Майли, бир иложини қилармик, — деб қўлини у Рустамга.

Эртаси кун Хуршид оға фабрикага одалтагилдан кўра анча барвақт келди. Хизматчилар ҳали иш бошлаганча эдилар. У бутун фабрикани айланиб чиқиб, ўзининг идорасига келди ва Муҳиддиннинг бўёқда чақиринглар деб буюрди. Сўнгра ўз столига келиб ўтирибди, офтоб шўласи тушиб жимирлаб турган автомат рўқчалардан бирини олиб, стол устида турган бир даста пергамент қозонига кўл узатди.

Кабинетга довлариб қолган Муҳиддин кириб келди ва эшик олдига тўхтади.

— Кир, — деди унга Хуршид оға.

Муҳиддин рангилан қони қочиб стол ёнига келди.

— Баласини, албатта, сен якунлаган бўлсанг керак-а? — деб сўради Хуршид оға.

— Ҳа, мен хўжайин.

— Айчи, бу йил қанча фойда келди?

Муҳиддин турган ерида тошдек қотиб қолди. Ахир балас хўжайиннинг ўзинга берилган эди-да.

— Хўш? Қанча фойда олди бу йил?

— Олти юз минг саккиз юз икки лир-у йигирма саккиз куруш.

Хуршид оға унга ғазаб билан қарайди.

— Сен ҳали менинг орттирган фойдам ва зарарим тўғрисида юрган ерида вайсаб юрадиган кишиларни ёмон кўришмисин билмайсанми дейман-а?

Муҳиддиннинг юраги бир оз таскин топти.

— Биламан, оға...

— Биламан? Билсанг нимага оғанинг кўпиртириб юрмасан?

Муҳиддиннинг юзига қон югурди.

— Мен ҳеч қачон ва ҳеч қардасизнинг фойданигиз ёки зарарингиз тўғрисида гапирганим йўқ, оға...

Агар мен шу тўғрисида ақалли бир оғиз сўз айтган бўлсам, худро урсин!

Хуршид оға Муҳиддинга раҳм содиб тикилди.

— Сен ҳали ўзининг худжўй қилиб кўрсатмоқчимисан, уятсиз... Ундай бўлса буни оморчи Химматга ким айтиши мумкин? Бу ҳатто унинг қайини оғаси билан орасининг қўлогига бориб етибди. Сен айтдингми ёки бухгалтер айтдики? Ёки менми? Бошқа ҳеч ким бўлиши мумкин эмас...

Муҳиддин бундан уч кун илгари бўлиб ўтган муштанишини эслади. Айтсаммиким-йўқмиким, деб икки-лашди.

— Сизга ичим ачинапти, — деди Хуршид оға, — сен ҳеч ҳам отанга ўхшамасан... Мен бўлсам сенга одам деб ўзининг бутун бухгалтерлик ҳисоб-китобларини ишониб бериб қўйибман...

Муҳиддин бир ютиниб олди.

— Оға... оға...

— Оға... оға...

— Оға... оға...

— Оға... оға...

— Оға... оға...

— Оға... оға...



Брюсселдаги жаҳон выставкасида. Суратларда: (чапдан) 1. Совет Иттифоқининг бош павильони залларида. 2. Тамосҳабилар СССР павильонидаги Москва заводларида тайёрланган металл кесувчи станокларни тамосҳа қилмоқдалар. В. Егоров фотолари, (ТАСС фотохроникаси).

Совет Иттифоқининг Ливия қизил ярим ой жамиятига совғаси

ТРИПОЛИ, 17 май. (ТАСС). Бугун бу ерда СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятлари союзининг Ливия Қизил Ярим Ой жамиятига совга қилган санитария автомашинаси, медицина усулларини ва дори-дармонини топириш маросими бўлиди. Ливия Қизил Ярим Ой жамияти раисининг ўринбосари, парламент депутаты Хусайн Фахик совгани қабул қилиб олиб, бундай деди: СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятлари союзи Ливиянинг ёш Қизил Ярим Ой жамиятига биринчи бўлиб шундай катта ёрдам кўрсатади. Бу совга, деди у, совет Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятларининг олжабон ва инсонпарварлик руҳини ишларини кўрсатади.

Франция халқи Республика тўзумини ҳимоя қилаётир

ПАРИЖ, 18 май. (ТАСС). Шу кунларда Франциянинг — турли есиёс, қасбда сўз ва жамоат ташкилотлари барча демократларни республикани ҳимоя қилишга чақирмоқдалар.

Француз коммунистлари ҳарбий фашист фитнага қарши чиққанларнинг биринчи сафида бормоқдалар. Социалистик партия раҳбарлиги баёнот эълон қилиб, мамлакат аҳолисини «қўпурчи учусларнинг» ҳар қандай қирққорларини лаф қилишга тайёр бўлиб туришга» чақирди.

Радиолар ва радикал-социалистлар партиясининг Сена департаментидagi федерацияси бутун мамлакатни республика тартибларини ҳимоя қилмоқ учун сафарбар қилиш «қўят зарур бўлиб қолганига» айтибори жаб «эмоқда».

Федерация парламентдаги ўзининг депутатларига фавақулда ҳолат тўғрисидаги қонун «республикани» ва демократик партияларга қарши қаратилган қонун бўлиб қолмасининг» қузатиб туришини топириди.

Қаршилик ҳаракатининг содиқ қатнашчилари миллий уюшмаси генерал де Голлинг диктатура ўрнатилиш мақсадидаги уринишларини қарайди. Бу уюшма ўзининг баёнотида де Голлинг бу қилиги «армияда республикага қарши фитнани рабағлатириш» деб таъкидламоқда.

Уюшма «республикани ҳимоя қилишга қарор қилган кишиларнинг ҳаммаси билан ўзининг бирлам эканлигини» билдириди. Биз, дейди де Голлинг, «ёшени генералларга ва бошқа қўпурчи учусларга қарши шайфатсиз чоралар кўришни талаб қиламиз».

Франция студентлари миллий иттифоқи студентларнинг Жазабрдаги фашистлар исёнидан ғазабланганлигини ва студентлар «республика тартибларини сақлаб қолмоқда» деб таъкидлашларини билдириди.

Шу кунларда чет мамлакатларнинг коммунистик ва илчи партиялари Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетига қарашли раҳбарлик изҳор қилиб, телеграммалар юбормоқдалар. Жумладан, Италия Коммунистик партияси ва Финляндия Коммунистик партиясининг шундай телеграммалар олинди.

П. ПОЛИМЛЕН МРП ПАРТИЯСИ РАЙСЛИГИГА САЙЛАНДИ

ПАРИЖ, 18 май. (ТАСС). Франция ҳукуматининг бошлиғи Полимлен МРП («Халқ-республикачилик ҳаракати») католик партиясининг Сен-Малога (Иль ва Вилан департаменти) бўлаётган сьезида кеча МРП партияси яна раис қилиб сайланди.

Совет баёноти Индонезия жамоатчилигининг диққат марказида

ЖАКАРТА, 17 май. (ТАСС). Индонезиянинг ички ишларига АҚШ аралашётганлиги тўғрисида Совет ҳукуматининг баёноти Индонезия жамоатчилиги ва матбуотининг диққат марказида турибди. Кўп газеталар баёнотнинг мазмунини биринчи саҳифаларда катта сарлавҳалар остида босиб чиқаришар. «Хариян рахият» газетаси ўз сарлавҳасида «Совет Иттифоқи билан Хитой Халқ Республикаси АҚШнинг Индонезия ишларига аралашувида хотима берилсин» деб талаб қилмоқдалар, деб таъкидлади. «Сулу Индонезия» газетаси совет баёнотини «Совет Иттифоқи АҚШни оғоҳлатириб» деган сарлавҳа остида босиб чиқариди.

АҚШ сийбасининг агрессивлиги, деб ёзди «Хариян рахият» газетаси, бутун дунё халқларини ғазаблантирмоқда.

«Бинтанг тимур» газетаси шундай таъкидлаб кўрсатмоқдаки, Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикасининг Индонезия ички ишлари-

га аралашётганларини оғоҳлатириш Индонезия халқини рўҳлантирмоқда.

«Антара» агентлигининг хабарига айтилишича, Индонезия ташқи ишлар министри Субандио, Индонезиянинг ишларига чет давлатларнинг аралашётганлигини қоралаб, Совет Иттифоқи, Хитой, Хиндустон, Бирма, Бирланган Араб Республикаси ва бошқа мамлакатлар томонидан эълон қилинган расмий баёнотларни жуда қарлайди, деди.

Антара агентлиги кеча президент Сукарно, бош министр Жуанда, ташқи ишлар министри Субандио, армия штаби бошлиғи Насутун ҳақда ҳарбий ҳаво ва ҳарбий деңиз кучлари штабларининг бошлққлари иштироки билан бўлган кенгаш тўғрисидаги ахборотни эълон қилди.

Ахборотда айтилишича, кенгаш Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси ҳукуматларининг баёнотларида тилга олинган масалаларни муҳокама қилган.

Ливанда аҳвол

ПАРИЖ, 18 май. (ТАСС). Ливандаги ички сийсий вазият тобора кескинлашмоқда. Франс Пресс агентлиги Байрут муҳбирининг хабаридан маълум бўлишича, кеча мамлакатнинг бир қанча районларида қўзғолочи отрядлар билан «хавфсизлик кучлари» деб аталган отрядлар ўртасидаги тўқнашулар давом қилган. Бу тўқнашулар натижасида ҳар иккала томондан ўлган ва яралор бўлганлар бор.

Қўзғолончилар қўлидаги Триполи шаҳри районига бироз тинч бўлиб турганда кейин яна қуроли тўқнашулар бўлиди. Шаҳар яқинига келтириб қўйилган ҳукумат қўшинлари шаҳарга бостириб киришга уриндилар. Бироқ, қўзғолончиларнинг қуроли отрядлари қаттиқ қаршилик кўрсатганлиги натижасида ҳукумат қўшинлари чекинишга мажбур бўлиди.

Байрутда берилган бошқа бир хабарда айтилишича, Ливанда «Эркин Ливан» деган махфий радиостанция иш бошлаган. Бу радиостанциянинг мақсади Ливан халқининг эркинлик учун олол бораётган курашига ёрдам беришдир.

Байрут порта докерларнинг забастовкаси давом этаётганлиги тўғрисида ҳам хабарлар келмоқда. Забастовка натижасида порта юк ортиш ва юк бўшаткиш ишлари батамом тўхтаб қолди.

БАЙРУТ, 18 май. (ТАСС). Ливан газеталарининг хабарларидан маълум бўлишича, АҚШ Индонезия ички ишларига оғоҳлан-оғоҳ арамлашмоқда. Газеталар ҳар хил ажабли манбаларга асосланиб берган хабарларда, Американинг ўрта деңиз ҳавасизлиги 6-флотги кемаларига Ливан қирғоқидан 2 миля нарига бориб тўхташ тўғрисида оғоҳиғ буйруқ берилган. Шу билан бир вақтда газеталар, Американинг транспорт самолётларидан 18 таси Америка гражднларини Ливандан қўчириб олиб кетишга ва қўшинлари Яқин Шарқ районига элтиб қўйишга тайёр бўлиб туриш учун Гарбий Германияга юборилганлиги ҳақида хабар беришмоқдалар.

Ливанда мамлакатнинг миллий маффаатларини ҳимоя қилиш учун курашаётган Ливан сийсий партиялари ва ташкилотлари вакиллариинг конференцияси Ливанда чет ва империалистик интервенцияси хавфи кучайиб бораётганлиги муносабати билан баёнот эълон қилиб, Гарб давлатларининг Ливан ички ишларига қўрол кучи билан аралашуш учун мамлакатдаги ички сийсий аҳволдан фойдаланишга ури-

БИРИНЧИ РУС САЕХИНИНГ АРАБ МАМЛАКАТЛАРИГА БОРГАНИГА 850 ЙИЛ ТўЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

Илгумен Даниилиннинг араб мамлакатларига борганлиги ва арабларнинг Россияда саёхат қилганлигига бағишланб 16 майда давлат адабиёт музейида илмий мажлис ўтказилди.

Филология фанлари доктори В. Д. Кузьмина «Илгумен Даниил XII асрда араблар оламига саёхат қилган биринчи рус ёзувчиси» деган темада доклад қилди.

СССР Фанлар академияси моддий-маданият институтининг старший илмий ходими А. Л. Монгалт «Абу-Ҳамид Алгарнафи ва унинг XII асрда рус ерларига саёхати» деган темала доклад қилди.

Мажлисида тарихчилар, адабиёт-шунослар, Москва музейларининг илмий ходимлари ҳозир бўдилар. Мехмонлар орасида Судан республикасининг СССРдаги муваққат ишлар вакили Бағир Абдилмуҳаммад жаноблари ҳамда Бирланган Араб Республикасининг СССРдаги элчихонаси кенгашичи М. С. Анвар жаноблари бор эди. (ТАСС).

КАМБОДЖА МИЛЛИЙ МАОРИФ ХОДИМЛАРИ ТОШКЕНТДА

СССР Олий таълим министрлигининг тақдирига мувофиқ, Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Камбожжа короллиги миллий маориф ходимлари делегацияси Тошкентга келди. Бу — Камбожжа давлати ходимларининг Совет Иттифоқида келган биринчи делегацияси.

Пном-Пень шаҳридаги хунара ва санъат мактабининг директори Йан-Йан-Йан делегацияга бошчилиги қилди. Делегация составида мактаб директорлари, педагоглар бор.

Камбожжа меҳмонлар Ғабеконда ўрта ва махсус таълим ишларининг уюштурулишини билан танишиб чиқмоқчи. (ЎзТАГ).

АМЕРИКА СТУДЕНТЛАР ГАЗЕТАЛАРИ РЕДАКТОРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

СССР Ёшлар ташкилотлари комитети ҳузуридаги студентлар кенгашининг тақдирига мувофиқ, Совет Иттифоқида келган америка студентлари газеталари редакторлари делегацияси Ўзбекистонда бир неча кун меҳмон бўлиб туриди.

АҚШ дан келган меҳмонлар Тошкент билан танишиб, Ўрта Осиё давлат университетиди, темир йўл транспорти инженерлари институтиди, тўқимачилик ва педагогика институтларига бўдилар. Улар республика ёшлар газеталарининг редакторлари билан суҳбат қилишар.